



Yangi O'zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!

asr

IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA

19-may 2022-yil 20 (966)



www.21asr.uz



@XXLasrofficial

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

МУНОСАБАТ

ДОН ВА НОН

ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИГА АЙЛАНЯПТИ(МИ?)!

Аждодларимизнинг донишмандлигига таъриф йўқ: “Дехқоннинг хазинаси – ер, калити – тер”, “Буғдой эксанг кузда эк – яхши ҳайдаб бўзга эк”, “Дехқон ишлаб дон сочар – элга ризқ йўлин очар”...

Давоми 3-саҳифада. ►►



ЎЗА сурати

ДЕПУТАТ ЭЪТИРОЗИ

МУШТУМЗЎР ЎҚИТУВЧИЛАР БИЛАН УЗОҚҚА БОРОЛМАЙМИЗ

Ўқитувчи боксчилардек аямасдан ўз ўқувчисини дўппослаган. Ахир жазолашнинг тажрибада синалган, илмий исботланган кўплаб усуллари бор-ку. Бу ҳақда гапирaverиб чарчадик. Мазкур вазиятда фақатгина ўқитувчини айблашдан йироқман. Бу ҳолат олдин ҳам такрорланмаганига ҳеч ким кафолат беролмайди. Зўравон ўқитувчи қаторида мактаб маъмурияти-ни ҳам бирдек айбдор ҳисоблайман. Негаки, ўқитувчининг бу каби қилиқларига ўз вақтида чора кўрганида бугунгидек хунук ҳолат кузатилмасди. Ёмон иллат бир соатда ёки бир кунда шаклланиб қолмайди.

Педагог деган улуғ номга доғ тушираётган бу каби муштумзўр ўқитувчиларни ўқитувчилик қилиш имкониятидан ва шарафидан маҳрум этиш тарафдориман. Болани уриб-тепиб таҳқирлаётган акаимизнинг руҳий ҳолатини ҳам обдон текшириш ва бу ҳолатни чуқурроқ ўрганиб, ҳуқуқий баҳо бериш лозим деб ҳисоблайман.

Агар ўқитувчи маҳоратли ва билимли бўлса, ўқувчиларни урмасдан, тепмасдан, кўрқитмасдан ҳам ўз фанига қизиқтира олади. Биз ҳам ўқувчи бўлганмиз. Буни яхши биламиз. Бугунги шиддатли даврда фарзандларимизни ваҳшийликлардан, зўравонликлардан ҳимоя қилиб, ишончини қозониб, уларни тўғри йўналтириб, меҳр ва муҳаббат кўрсатишда ўрнак бўлолмасак, уларни ҳам, келажакни ҳам йўқотамиз. Фарзандларимизни мантиқий фикрлашга, ўз фикрларини эркин ифодалашга ўргатиш муҳим бўлган бир даврда калтақлардан танига ҳам, руҳиятига ҳам жароҳат бериб ўзини устоз деб юрган баъзи ўқитувчиларимизга юқоридаги ҳолатдан хулоса қилишларини сўраймиз.

«Daryo.uz» сайти тарқатган хабарларга кўра Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманидаги 4-умумтаълим мактабида содир бўлган ушбу аянчли ҳолат бўйича тегишли тартибда қонуний чоралар кўрилмоқда.

Шаҳноза ХОЛМАХМАТОВА,
Олий Мажлис депутати, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси, ёшлар масалалари бўйича комиссия аъзоси



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

Ҳаёт денгизи оқиб турар экан,
учрашиш бор жойда,
албатта, айрилиқ бўлганидек,
енгасан, ютқизасан, адашсан,
алданасан...

60

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



MILLIY TIKLANISH DEMOKRATIK PARTIYASI

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИМИЗ ҲАМОҲАНГ

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ ҚЎШМА ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Фракциялар томонидан бугунги кунда мамлакатимизда шиддатли ислохотларни изчиллик билан давом эттиришда ҳуқуқий пойдеворни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди. Шу маънода конституциявий ислохотларни амалга ошириш парламент олдида турган долзарб вазифа экани айтилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган кенг куламли ва изчил демократик ислохотлар натижасида янги Ўзбекистонни барпо этишнинг мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маънавий-маданий асослари яратилди. Кундалик ҳаётимизда “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиклик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” каби фундаментал демократик тушунчалар ва қадриятлар реал воқеликка айланди. Жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгармоқда.

2021 йилда эркин ва демократик, очик ва ошкора, соғлом рақобат ва сиёсий кураш муҳитида бўлиб ўтган Президент сайлови том маънода мамлакатимиз ўзи танлаган демократик тараққиёт йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаслигини исботлаб берди.

Кейинги йилларда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, тadbirkorликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палата-

лари қўшма мажлисидаги нутқда Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар зарурлиги таъкидланган эди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган табриғида ҳам Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айлангани айтилиб, конституциявий ислохотларнинг йўналишлари кўрсатиб ўтилган.


Қўшма йиғилишда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси томонидан “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда Бош қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси Конституциясини такомиллаштириш бўйича илгари сураётган таклифни тўлақонли қўллаб-қувватлашни билдириб, ушбу жараёнда парламент аъзолари, кенг жамоатчилик ва халқимиз бирлашган ҳолда мазкур ислохотларни рўйбга чиқаришда асосий драйвер бўлиши кераклигини қайд этди.

O'ZLIDER фракцияси аъзолари Конституцияни такомиллаштиришга қаратилган аниқ нормалар барча фуқаролар, жамоатчилик вакиллари ҳамда халқимизнинг таклиф ва фикрлари асосида шаклланиши, бунда очиклик ва шаффоқлик таъминланиши зарурлигини билдирди.

Давоми 2-саҳифада. ►►





O'ZLiDeP **MILLIY TIKLANISH**
DEMOKRATIK PARTIYASI

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИМИЗ ҲАМОҲАНГ

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН
“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ
ҚЎШМА ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг етакчи фракциялари ҳисобланиб, сиёсий тизимда алоҳида ўрин тутди. Ушбу фракцияларнинг аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш бўйича илгари сурилаётган ташаббуслар партияларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда сайловолди дастурлари билан ҳамоҳанг келиши таъкидланди.

Қўшма йиғилиш якунида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш масаласини Олий Мажлис палаталари кенгашларига киритишга келиши олинди. Шу билан биргаликда, йиғилиш якуни бўйича Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар иштирокида брифинг бўлиб ўтди.



Ақтам ХАЙТОВ,
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари:

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, ор-номуси, эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилган. Конституцияни такомиллаштириш масаласи ўтган йилги сайловолди жараёнларида партиямиздан президентликка кўрсатилган номзод ҳамда ишончли вакилларнинг аҳоли билан учрашувларида қарийб барча ҳудудларда сайловчиларимиз томонидан кўтарилган. Хусусан, сайловолди учрашувларида инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик қоғозларини янада кучайтириш, фуқаролик жамияти, маҳалла, оила институтини ривожлантириш, давлатнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этишга масъуллигини ошириш, ёшлар, кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш, таълим ва илм-фанни янги bosқичга кўтариш, экология, она табиатни асраш борасидаги ҳуқуқий нормаларни қайта кўриб чиқиш юзасидан тақлифлар билдирилган.

Халқимиз томонидан илгари сурилган мазкур тақлифлар замирида аслида уларнинг орзу-истаклари мужассам. Кўп миллатли мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги bosқичида ҳамюртларимиз ўз эртасини бугунги ислохотлар замирида эканини аллақачон чуқур англаб етди, дейишга тўла асосларимиз бор.

Ушбу масалада О'zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида салмоқли ўринга эга “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси билан ҳамфикрлиги яна бир бор ушбу ўзгаришлар аҳолининг аксарият қисми орзу-интилишларига мослигини яққол кўрсатади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, йиғилиш қарорига мувофиқ О'zLiDeP фракцияси конституциявий ислохотларни бошлаш масаласини Олий Мажлис палаталари кенгашларининг қўшма мажлисига киритишни яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди.



Шухрат БАҒАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Мамлакатимизда илгари “давлат – жамият – инсон” тамойили ўрнига “инсон – жамият – давлат” тамойили қарор топа бошлади. Яъни, ҳар бир ислохот, янгиланиш инсон учун амалга оширилиши, инсон манфаатларига хизмат қилиши аниқ белгилаб қўйилди.

Бу борада янги концептуал ғоялар вужудга келди. Масалан “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлатга эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса – давлат бой бўлади”, “Жамият ислохотлар ташаббускори” ва бошқа бир қатор ғоялар ўз амалий натижасини бера бошлади. Бу сиёсат халқимиз томонидан қўллаб-қувватланяпти.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган аниқ амалий ишлар Ўзбекистоннинг бу борадаги мақсадларни амалга оширишга қанчалик қатъий киришганини яққол кўрсатди. Бунга мисол сифатида мамлакатимиз ҳар бир фуқароси ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган, аниқ йўналтирилган “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”нинг йўлга қўйилгани, болаларнинг мажбурий меҳнатга жалб қилинишига батамом барҳам берилгани, “Меҳр” операцияси доирасида кўп ўзбекistonликлар ҳарбий тўқнашув ҳудудларидан Ватанимизга олиб келинган, хорижий мамлакатларда ишлаётган мигрантлар ҳамойига олинигани ва бошқа бир қатор хайрли ишларни тилга олиш мумкин.

Мамлакатимиз тараққиётининг “Янги Ўзбекистон” bosқичида юртимиз олдида турган мақсад ва вазифалар қўлама биз учун илгари мисли қўрилмаган янги даражада бўлмоқда. Уларни рўёбга чиқариш учун конституциявий ислохотларни амалга ошириш, Бош қомусимиздаги меъёрларни янада такомиллаштириш зарур.

Бобур БЕКМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Жамият ҳаётига дахлдор муҳим қарорларни қабул қилишда нафақат давлат идоралари, балки кенг жамоатчилик иштироки таъминланмоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги муҳим дастурлар-



ни, узоқ йиллик стратегияларни ишлаб чиқиш, барча соҳаларни тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, Президентимизнинг 4 мингдан зиёд қарорлари қабул қилинишида нодавлат ташкилотлар давлат ва фуқаролар ўртасида кўприкка айланди.

Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ишлаб чиқишида ҳам нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзига хос фаоллик кўрсатди. Мазкур ҳужжатда фаол фуқаролик жамиятини қуришга доир муҳим тақлифлар ўз аксини топди.

Шунингдек, сўнгги йилларда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг бевоасита кенг жамоатчилик ва фуқаролар учун очик бўлиши, муҳим қарорларни аҳоли фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Бу жараёнларда айнан фуқаролик жамияти институтлари фаол ўрин эгалламоқда.



Дилором ФАЙЗИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Одатда Конституция нормаларини такомиллаштиришга эҳтиёж жамият ҳаётида салмоқли ўзгаришлар юз берган, давлат тараққиёти янги сифат bosқичига кўтарилаётганда юзага чиқади. Бугун давлат қурилишини оламимизи, иқтисодиёт, ижтимоий соҳами, барчасида мутлақо янги ёндашувлар қарор топтоқда.

Масалан, халқаро муносабатлар соҳасини олайлик. Қисқа вақт ичида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи шаклланди. Қўшни давлатлар билан муносабатларимиз ўзаро ишонч ва очкилик принциплари асосида қайта қурилди. Чегаралар очилди. Виза билан боғлиқ масалалар ҳал этилди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларимиз жадал ривожланмоқда. Минтақа мамлакатлари кўпгина регион ва глобал масалалар бўйича яқин ҳамкорликда ҳаракат қилишни бошлади.

Ўзбекистон бугун ўзининг кўзлаган сиёсати билан минтақамиз ва жаҳондаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. БМТ, Парламентларо Иттифоқ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, ШХТ, МДХ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз янги bosқичга кўтарилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсий концепциясининг қабул қилиниши ҳам шу йўлдаги муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тараққиётимизнинг янги даврида ташқи сиёсат устуворликларини ўзида қатъий белгилаб қўйган Конституциямизга айрим ўзгаришлар киритиш бугун ҳаётий заруратга айланди.

Ўз навбатида, амалга оширилган ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътирофларга сазовор бўлмоқда. Ўзбекистон 2020 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланиши, Ҳуқуқ устуворлиги индексида 200 га яқин давлат орасида 85-ўриндан жой олиши, “Сиёсатдаги аёллар” жаҳон рейтингда 130 давлат ичида 45-ўринда эътироф этилиши, ННТлар фаолиятининг эркинлаштирилиши ва бюрократик тўсиқларнинг бекор қилиниши бунга мисол бўла олади.

Буларнинг барчаси бугун Бош қомусимизни айнан мана шу мутлақо янги талаблардан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқишимизни, бунинг учун конституциявий ислохотларни бошлашимизни кун тартибига қўймоқда.



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Ҳар қандай давлатнинг Асосий қонуни ушбу давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиёти асосларини белгилаб берувчи бош ҳужжатдир. Шу ўринда мамлакат Конституцияси иқтисодий соҳага оид асосий йўналишларни ҳам белгилаб берган муҳим ҳужжат эканлигини инобатга олсак, бир жиҳат яққол кўзга ташланади. Яъни иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX бобини назарда тутяпман.

Мамлакатимизнинг ҳозирги Конституцияси эндигина мустақиллик қарор топаётган, янги иқтисодий муносабатлар шаклланаётган бир даврда қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида унда белгиланган асослар мамлакатда бозор иқтисоди тамойиллари, хусусий мулкка эгаллик каби мутлақо янги ёндашувларнинг, шу асосда янги мулкчилик ва иқтисодий муносабатларнинг қарор топишига хизмат қилган эди.

Лекин ҳаёт бир жойда депсиниб турмайди ва бугунги кенг қўламли ўзгаришлар иқтисодиётда ҳам янгиланишларга туртки бермоқда. Айниқса, “Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат” ширин остида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида иқтисодиётга, айниқса, унинг муҳим қисми бўлиши мулкчилик масалаларига муносабат кескин ижобий томонга ўзгарди. Бугунги кун Ўзбекистон Конституциясининг ушбу йўналишдаги бобларини ҳам мана шу замонавий талаблардан келиб чиқиб қайта кўришни кун тартибига қўймоқда.

Қолаверса, мамлакатимиз раҳбари “Иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши керак. Бу – халқпарвар давлат барпо этишнинг энг муҳим шартидир”, деган фикрни бежиз таъкидламагани, мана шу ғоя ҳам мамлакат Бош қомусида ўз аксини топиши Конституциямизнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосига айланишига хизмат қилишига ишончим комил.



Эркин САЛИХОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Юртимизда миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасини қонунчилик билан тартибга солиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар bosқичма-bosқич амалга оширилмоқда. Хусусан, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонуности ҳужжатлари ўрнига бир қатор тегишли ихтисослаштирилган қонунлар қабул қилинди. Мудофаа доктринаси тасдиқланди, “Ички ишлар органлари тўғрисида”, “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Олий Мажлис палаталари Мудофаа доктринаси ва мудофаа соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси устидан парламент назоратини амалга оширмоқда. Олий Мажлис палаталари қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳарбий хизмати ўташи, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳарбий хизмати таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича хавфсизлик хизмати вазирилари ва идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш тизимли асосда ташкил этилмоқда.

Буларнинг барчаси яна бир бор Ўзбекистонда ҳарбий соҳа устидан ҳақиқий жамоатчилик назоратини ўрнатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, мамлакат Асосий қонунига Ўзбекистон Республикаси Президентини кузурдаги Хавфсизлик кенгашининг мақоми, мақсад ва вазифаларини, шунингдек, ваколатларини белгилловчи нормани киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу боис мен ҳам парламентдаги икки фракция аъзоларининг ҳамжиҳатликда ҳамфикр бўлиб Конституциямизга айрим ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги тақлифларини қўллаб-қувватлайман.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” махсус мубири,
Элёржон НЕҒЪМАТОВ олган суратлар

ДОН ВА НОН

ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИГА АЙЛАНЯПТИ(МИ?)!

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Бу каби ҳикматли иборалардан англаш мумкинки, бугуннинг ёшим инсоният ёшидан кам эмас. Зеро, археологлар 8-9 минг йиллар аввал ҳам ўтроқ аҳолининг бирламчи озиқ-овқати бошқо бўлганини таъкидлашди. Ғалла таркибидаги витамин ва минерал моддалар инсонни тетиклаштириб, қувватни оширишни қадимгилар мўъжизага қиёслашган. Гапнинг индаллосини айтганда, нон тириклик манбаи ўлароқ улуғ неъмат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолажак.

Рақамларга суянадиган олимларга кўра, сўнгги 35 йил ичида дунёда бугундай талаб икки бараварга ошган. Ер юзиде экин экиладиган жами дала-ларнинг 32 фоизи (тасаввур қилясизми?) ғаллазорлардан иборат. Шунга қарамадан сайёраимизда бир миллиарддан ошқ одам бир бурда нонга зор. Очликдан азият чекаётганларни ОАВда кўришнинг ўзи азоб. Ун нархи эса сезиларли равишда ўсаяпти. Халқаро биржаларда 1 тонна бугундай баҳоси 400 долларга кўтарилди. Кейинги 20 йилда бугундай эҳтиёж яна 40 фоизга кўпайиши тахмин қилинмоқда. Хуллас, нон топиш (ҳам кўчма, ҳам ўз маъносида) мурракбланишида давом этади.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 11 май куни ўтказилган видеоселектр йиғилишини кузатар эканман, юқоридеги фикрлар бутун вужудимни банд қилди. Гектарларни кенгайтириш имкони йўқ ҳолатда тобора ошаётган эҳтиёжни қандай қондириш мумкин? Давлатимиз раҳбари бу мурракб саволга аниқ-тиниқ жавоб берди: ҳосилдорликни ошириш ва яна бир бор ҳосилдорликни ошириш. Бунинг учун эса ғаллачилик соҳасидаги алмисокдан қолган муносабатларни тубдан ўзгартириш, тизимга инновацияларни жорий этиш, фермер ва кластерларни бугуннинг ҳақиқий эгасига айланти-

риш даркор.

Ўзбекистонда нарх-наво барқарорлигига эришиш учун биринчи навбатда ғаллачиликда бозор механизмига тўлиқ жорий этиш зарурати туғилмоқда. Шу муносабат билан йиғилишда фермерлар манфаатдорлигини таъминлаш, ҳосилдорликни ошириш орқали бозорда тақлифни кўпайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Ҳўш, “Ўздонмаҳсулот” компанияси таркибидеги 43 та дон корхонаси янги бозор шароитида самарали ишлашга тайёрми? Йўқ! Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланилганми? Йўқ! Дон корхоналарида талон-торож қилиш ҳолатлари борми? Бор!

Шунинг учун ҳам Президентимиз айни пайтдаги эскича тизим дон етиштирувчи ҳам, қайта ишловчи корхоналарга ҳам манфаат бермаётганини куюниб гапирди. Ўзбекистон халқи, фермер-деҳқонлар анчадан буюн кутган дон етиштиришда давлат буюртмасини босқичма-босқич бекор қилиш ва ҳақиқий ғалла бозорини яратиш борасида муҳим қадам ташлашнинг фурсати етганини алоҳида таъкидлади. Барча зарур ташкилий ишлар ҳал қилинган ҳолда, 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилишини маълум қилди.

– Бу партияимиз электоратининг салмокчи қисмини ташкил этувчи ишбилармон инсонларни янги марраларга бошловчи тарихий сана бўлади, – дейди **О‘zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ақтам ХАЙТОВ**. – Етиштирилган донни эркин нархларда сотиш фермерларимизнинг кўп йиллик орзуси. Мана, янги Ўзбекистонда шу қутлуғ ният ҳам амалга ошадиган бўлди. Энди фермер ва кластерларга

ўзи етиштирган ғаллани биржа савдоларига олиб чиқиш учун барча имкониятлар яратилади. Давлат ресурслари учун сотиб олинмаган 1 тонна бугундай нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан 3 миллион сўмга, яъни 2 бараварга оширилади. Қишлоқ хўжалиги жамғармаси харид қилган 1 миллион 783 минг тонна бугундай эҳтиёжга қараб биржага чиқаради. Бунда фермерларга июль-август ойларида биржада шакланган ўртача нархлардан келиб чиқиб, ўртадаги илҳомий фарқ ҳам тўлаб берилади. Бунинг учун жорий йилда давлатдан 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади. Шунингдек, фермерлар ихтиёрида қоладиган бугундай 500 минг тонна дон корхоналарида вақтинча сақлаш учун қабул қилинади ва 1 июндан бошлаб илк бора фермер ва кластерларнинг ўзлари биржа савдоларига бозор нархида чиқаради. 500 минг тонна бугундай дон корхоналарида вақтинча сақлаш харажатлари давлат томонидан қопланиб, фермерлар 2022 йил бугундай ҳосили учун биржа тўловларидан озод қилинади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз аграр сектори самимий эътирофу мактовга лойиқ ўзгартирилган оstonасида турибди. Асосий масала топириқни сифатли бажаришда қолган. Бунинг чорасини ҳам яна Президентимизнинг ўзи толиб берди: янги тизимнинг тўлақонли, адолатли ва очиқ-ошкорга ишлаши, ҳар бир сўм фермер ва кластерга ўз вақтида, тўлиқ етиб бориши, нарх-навонинг устуви ва тақчилликнинг олдини олиш бўйича “қунбай” назорат тизими жорий қилинади.

– Бундан буюн туманда режа бажарилмаяпти, чорва, парранда ёки балиқчиликка озуқа-ем керак, деган вазжари билан фермерлар ғалласини олиб қўйиш қатъиян тақиқланади, – деди Шавкат Мирзиёев. – Биржа



орқали сотилган бугундай худудлараро чеклов қўйилмайди.

Очигини тан олайлик, шу гаплар айтилганда худудларда қатнашаётган фермерларнинг юраги бошқача ура бошлагани аниқ. Ахир уларнинг узоқ вақтлик ярасига бебаҳо малҳам қўйилди-ю, юрак курғур жим турадимми? Яқин-яқингача қайсидир парда ортидаги “замҳожим”нинг топириқи билан фермернинг ғалласи мелисалар ҳамроҳлигида олиб кетилиши ҳали элнинг ёдидан кўтарилгани йўқ.

Қўйидаги таққосга диққат қилинг: 1991 йилда юртимизда 940 минг тонна ғалла етиштирилган бўлиб, ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил этган. 2021 йил эса 7,4 миллион тонналик бугундай хирмони кўтарилди. Жорий йилда эса ўн миллионлик маррани кўзлаб ҳаракат қилаётми?

Яна бир қиёс: дон тақчиллиги босис айрим мамлакатлар ғалла экспортига чеклов киритаётган бир пайтда Ўзбекистон тизимда бозор иқтисодиёти тамойиллари кучайтириш, ҳосилдорликни оширишдек улкан вазифаларни кун тартибига қўйди. Аслини олганда, мазкур янгиликлар Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати

– Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловолди платформасидаги истиқболли ғояларга ҳам ўхшаш ёки уйғунлигини таъкидлаш ўринли. O‘zLiDeP фермер бой бўлса, мамлакат бой бўлади, деган қанотбахш давлатни илгарии сурар экан, қишлоқ хўжалигидаги муносабатлар ислоҳоти манфаатдорликка асосланишини назарда тутди. Ниҳоят кейинги беш йил орасида елкасига офтоб тега бошлаган фермер ўз пешона тери билан етиштирган машаққатлаб экин бўлимиш бугундай биржада сота бошлаши ана шу жараённинг “старт” олишидан далолатдир.

Дарвоқе, бугун яшаш ва ишлаш, деҳқончилик каби ҳаётий илмлар сир-асорини пухта эгаллашга интилаётган фермерлар учун яна бир довон турибди. У ҳам бўлса, ўзининг қонуний ҳақ-хуқуқини биржада қандай талаб қилишни ҳам тезроқ ўрганиб олиши шарт. Сабаби, электрон тижоратнинг ҳам ўзига хос тушунарли-тушунарсиз жиҳатлари бор. Бу борада тегишли ташкилотлар, биринчи навбатда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ташаббуси билан соҳа мута-

хассислари фермерлар учун мутолаа ёки онлайн-семинарлар ўтказиши лозим. Уларга брокерликни ҳам қисқа муддат эгаллаш учун амалий қўмак берилиши керак. Халқона ибора билан айтганда, бугундайингизни нафақат бугундай сўзингиз билан, балки биржа савдоларида сониялар ичида тўғри қарорлар қабул қилиш орқали аниқ ҳисоб-китобларда меҳнатингизга қўймайдиган баҳоларда сотишингизни истаймиз...

Айни шу кунларда Ўзбекистон даладарини бир кузатинг. Бошоқлари бўлиб бўлиб етилаётган бугундай-зорларга қаранг. Тилларанг денгиз дейсиз. Озуқа билан тўйинган олтин бошоқлар ҳазрати инсонга таъзим қилиб турибди. Елларда чайқалаётган новдалар қўшиқ мисол товуш чиқариб шовулляпти. Тўкин дастурхон, осоёйшта ҳаёт, фаровон турмуш қўшиғи эмасми бу! Ноталари кўнгил хотир-жамлигидан яралган қўшиқ, Беминнат нонингга, насибаси бутунлигинга кўз тегмасин, бободехқоним!

Озод РАЖАБОВ,
шарҳловчи

ТАҲЛИЛ

ҲАЁТ ВА ДЕПУТАТ

О‘zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида ташкил этилган видеоконференция шаклидаги мулоқотда бир қатор саволларга атрофли жавоб изланди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда худудий кенгашлардан вакиллар иштирок этди.

ИШЧИ ГУРУҲЛАР ҚАНДАЙ ИШЛЯПТИ?



Тадбирда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини таъминлаш бўйича тузилган партия ишчи гуруҳлари фаолияти сарҳисоб қилинди. Гуруҳ аъзолари ўз йўналишлари бўйича батафсил ҳисобот берди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган вақт давомида партия томонидан Тараққиёт стратегиясининг барча йўналишлари бўйича тизимли ишлар ташкил қилинмоқда. Хусусан, худудлар кесимида тадбиркорликни ривожлантириш, 200 та янги соннат зонаси ташкил этиш, бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш, рақамли иқтисодиёт, қишлоқ хўжалигида интенсив ривожланиш механизми, фермер ва деҳқонларнинг даромадларини оширишга қаратилган аниқ тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. Инвестицияларни жалб қилиш ҳолати устидан доимий мониторингнинг йўлга қўйиш бўйича ўрганишлар олиб борилмоқда.

О‘zLiDeP матбуот хизмати

Жойларда, айниқса, энг чекка қишлоқларда партиявий лойиҳалар ҳамда тадбиркорлик субъектларига бизнес турлар ташкил қилиняпти. Бу орқали ишсиз хотин-қизлар, ёшлар турли касб-хунарларга ўқитилиб, бизнесларини бошлашди ва бандлиги таъминланди.

Ўрганишларда тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборотлари тингланяпти. Партия электорати билан соҳадаги камчиликлар муҳокама қилиняпти. Зарур тақлиф ва тавсиялар шакллантирилиб, вазирликларга бериб берилмоқда.

Тадбирда Тараққиёт стратегиясида белгиланган ушбу вазифалар ижросини таъминлашда янада самарали фаолиятни йўлга қўйиш борасида аниқ кўрсатмалар берилди. Шу кун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутат ёрдамчилари иш самардорлигини янада ошириш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

ЖАМИЯТНИНГ ЖОН ТОМИРИ – маҳаллаларда сайловлар бошланди

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонуни талабларига асосан мамлакатимизнинг барча худудларида бўлгани каби пойтахтимизда ҳам сайлов қизғин давом этмоқда

Сўнгги йилларда маҳалла фуқаролар йиғини жамиятнинг жон томирига айланиб, маҳаллалар раисларининг вазифаси ҳам, масъулияти ҳам тубдан ўзгарди. Энди улар худуддаги ҳар бир хонадон аҳлининг қувончу қайғусига шерик бўлишдан ташқари, уй-жойини таъмирлаш, бандлик муаммоларини ҳал этиш, боқувчисини йўқотган ёки кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш каби кўплаб масалаларда



жон куйдириб келмоқда.

Ушбу муҳим сийёсий тадбирларда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига сайланган депутатлар ҳам фаол иштирок

етишяпти. Улар сайлов жараёнини ташкил қилишда очиқлик ва шаффоқликни таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Халқимиз ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу тадбирни

ўтказишда фуқаролар йиғинларига ҳар томонлама қўмаклашиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, санитария-гигиена талаблари ва карантин қоидаларига риоя қилинишини назорат этиш, шунингдек, сайлов жараёнини кенг ёритиш бўйича алоҳида вазифалар белгилаб олинди.

Бу галги сайловлар мамлакатимиз ривожланишининг бутунлай янги босқичида, жумладан, маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантириш Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналиши этиб белгиланган тарихий паллада бўлиб ўтаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловида Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари ишчи гуруҳ аъзоси ва кузатуви сифатида иштирок этмоқдалар.

Улуғбек ЭШОНХЎЖАЕВ,
O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудири

ҚОҒОЗДАГИСИ ҲИСОБИМИ ЁКИ АМАЛДАГИСИ?

Авваллари бундай ҳисоботлар номига ўтказиларди. Ҳозир эса давр ўзгарди, талаб бошқача. Энди, аввало, халқни алдаб бўлмайди, қолаверса, янги сайланган депутатлар ҳам муросан мадорага қўниб ўтирмайди. Аниқ, ишонарли маълумотлар бўлса-ку яхши, аксинча, ўша масъул раҳбар хўжакўрсинга келган бўлса – тамом.

О‘zLiDeP Вобкент тумани кенгашининг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича доимий комиссияси депутатлик гуруҳининг



навбатдаги қўшма йиғилиши худди шундай руҳда ўтди. Унда мазкур худудда чорвачилик, қўнчилик, асаларичилик, балиқчилик ва паррандачиликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар натижадорлиги атрофида муҳокама этилди. Туман ҳокимининг қишлоқ

ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Шариф Исломовнинг ҳисоботи таҳлилларга бойлиги билан кўпчиликини қизиқтириб қўйди.

Рақамларга эътибор берайлик: туман бўйича ҳозирги пайтда қорамоллар сони 111,5 мингтани, шундан сизирлар 36,1 минг бошни ташкил

этяпти. Қўй ва эчкилар 103,2 мингтага, паррандалар 336 мингтага етказилган. Давр бўйича жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 212,4 минг тонна гўшт, 106,5 минг тонна сут етиштирилган...

Озми-кўпми, аҳоли эҳтиёжи қопланяптими? Хусусан, “2022 йилда чорвачиликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури” қандай бажарилляпти? Паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик хўжалиқлари ўзини қай даражада оқляпти? Бу каби саволларга жавоб бериш осон кечмайди.

Қўшма йиғилишда сўзга чиққан халқ депутатлари кейинги ҳисоботларга ҳам тақлиф этилган раҳбарларни ана шундай жиддий жумбоқларга тайёр ҳолда келишлари лозимлигини алоҳида таъкидлашди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” маҳсул муҳбири

**АЗАМАТ ЧОРИЕВ
АСЛИ ҚАМАШНИНГ
ЧИМ ҚИШЛОҒИДА
ТУҒИЛИБ ВОЯГА
ЕТГАН. ҲОЗИР ТОШ-
КЕНТДА ЯШАЁТГАН
БЎЛСА-ДА, БИР
ОЁҒИ ҚИШЛОҚДА.
ТЎЙ-МАЪРАКАЛАР-
ГА ҲАР ҚАНДАЙ
ШАРОИТДА ҲАМ
КЕЛИБ, КЕТИШГА
ИМКОНУ ФУРСАТ
ТОПАДИ.**



Қишлоқда улғайган эмасми, ер билан тиллашишни хуш кўради. Доривор гийҳлар етиштиришга қизиқиб қолганлиги шундандир балки. Аввалига ҳар хил турдаги ўсимликларни етиштириб ҳам кўрди. Аммо харидор топиш масаласи

экан. Агар ул зотнинг асарларини мутолаа қилгудек бўлсангиз, гулхайри илди-зидан тайёрланган дори-дармонларни қаттиқ йўтал бўлганда ўпкани юмшатиш, томоқдаги балғамни кўчиришда фойдаланилса, яхши самара бериши алоҳи-

ГУЛХАЙРИ

катта пул – даромад экан-ку!

осон кечмайди. Устига устак, харажат-га яраша даромад келса берди Худо, акси бўлса-чи?

Дастлаб ишлари унчалик юришмади. Ҳаётдан ҳар доим яхшилик ва янгилик излаб яшайдиган тадбиркор йигит бундан тўрт йил муқаддам бошқа, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир ишга қўл урди. Ижтимоий тармоқларни кузатиб юриб, гулхайри ўсимлигининг қуритилган гули доривор ҳисобланиб, Европа мамлакатларининг фармацевтика саноатида бундай хомашёга эҳтиёж ниҳоятда катта эканлиги ҳақидаги хабарга кўзи тушиб қолди. Қидириб-қидириб, унинг уруғи қайси мамлакатда борлигини ҳам аниқлади. Дастлаб ижарага олинган ерда гулхайри экиб, яхшигина даромад манбаи эканлигига ишонч ҳосил қилгач, бу ишга тумандошларини ҳам сафарбар этишга аҳд қилди. Ахир бу ишизликдан қийналиб, мардикор бозорларда тирикчилик учун пул топиб юрган ҳамқишлоқлари учун яхшигина машғулот ва даромад манбаи эди-да.

Чимликларга бу янгилик ҳақида гапириб берди. Кимдир ишонди, кимдир ишонмади, очиги. Ернинг умрини бекорга ўтказмаскинми, харидорни қаердан топасиз, деган ҳадикли саволлар ҳам айтилди. Лекин ишлайдиган, бу ташаббусини қўллаб-қувватлаганлар топилди. Ака-ука Азамат ва Дўстмурод Чориевлар гулхайри экиш, парвариш-лаш ва ҳосилини йиғиб олиш юзасидан ёш оилаларга маҳорат сабоғи ҳам ўтиш-

туп гулхайри эксангиз, ернинг унумдорлиги ва парваришга қараб 25 килодан 50 килограмга ҳосил олиш мумкин. Айни пайтда чимликлар томорқаларида гулхайри гуркираб ривожланмоқда. Дастлабки ҳосилни териб олиб, қуритишни бошлаб юборишди.

– Дўстмуроддан маҳалладошларимиз жуда миннатдор, – дейди “Ўрта Чим” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Чинорли кўчасида яшовчи Тожиол Аҳмедова. – Томорқамиз унча катта эмас. Аммо шунча йилдан бери бирор нарса экиб, бир сотих майдондан 3,5 миллион даромад қилганимизни эслаш оқилоқ. Бу йил икки сотих жойига гулхайри эдик. Насиб этса, олган даромаддан уйимизни чиройли қилиб таъмирлаймиз. Маҳалламиздаги кўпчилик хонадонда гулхайри экилган. Тўрт йилдан бери оила аъзоларимизга қизиқарли эрмак топилди. Келгусида ўзимиз алоҳида ер олиб, 1 гектар майдонга гулхайри экишни режалаштиряймиз. Дўстмуроджон уруғдан қарашиб турса бўлди.

Шу маҳаллада яшовчи Ҳақберди Қосимов томорқасидаги 15 сотих майдонда гулхайри етиштиряпти. Даромаддан янги автомашина харид қилишни мўлжаллаб туришибди. Гулхайри икки кун аввал гулга кирган экан. Пешма-пеш териб, қуритишни бошлаб юборишибди. Бизга қуритишга қўйилган илк ҳосил нишонларини кўрсатишди.

– Тайёр маҳсулотларни “ВВU – AZAMAT” хусусий корхонамиз орқали

да эътироф этилгангига гувоҳ бўласиз. Гулхайри гулларидан олинган асал нафақат тотли, балки шифобахшлиги билан ҳам ном қозонган.

Азамат томорқачилар билан мунтазам алоқада. Гулхайри етиштириш, гулини териб ва қуритиш борасида қандай кўмак ёки маслаҳат керак бўлса, доимо тайёр. Гулхайрининг гулини қанча кўп терсангиз, шунча кўп гуллайвераркан. Гулларни офтоб тегмайдиган, шамол елиб турган жойда обдон қуритиб, қоғоз қутиларга жойлаб қўйсангиз бўлди. Тадбиркор маҳсулотнинг сифатига қараб, ҳақ тўлаб олиб кетади. Энг сифатли маҳсулотнинг бир килоси 70 минг сўмга баҳо-ланяпти.

Чим худудида томорқалар анчагина катта. Оқова сувдан ҳам қийналишмайди. Кўпчилик аввал ердан унумли фойдаланмасди. Беда, маккажўхори экиб, томорқани яйловга айлантириб олишганди. Гулхайрининг дарағи чиққач, ҳамма қизиқиб қолди. 100 сотих майдонга гулхайри экиб, 500 кило доривор хомашё етиштирсангиз, жуда бўлмаганда ҳам 20-30 миллион сўм даромад қилинса, нимаси ёмон?

Очигини айта қолай, Азамат Чориевни излаб, роса беш кун шарча бўлдим. Кўнғироқ қилсам, бошқа вилоятдан, дейди. Сўраб-суриштириб, охири учрашди. Кейин билсам, айрим ҳамкасбларимизнинг нотўғри ахборотлари босиб у мен билан суҳбатлашишни истамаган экан.

– Журналист ва блогерлардан имкони борича қочиб юраман, – дейди у. – Гулхайри терими бошланиши билан телевидение, газета ва сайтлардан жуда кўплари, келиб мендан интервью олишади-ю, лекин бошқа, мен айтмаган қуруқ гапларни ҳам қўшиб юборишади. Бир сотих жойдан 100 килограмм гулхайри гулини териб олиш мумкин эмас. Нар иборса 40-50 килограммдан ҳосил олинади. Улар эса кўпиртироради. Гоҳида менга мижозларим бизга ҳам ўша уруғдан келтириб беринг, юз килодан олайлик, деб қолтиришади. Қишлоқ одамларига тушунтиргунимча эсим кетади. Бор ҳақиқатни ёзса бўлмайми?

Яна бир гап. Гулхайрининг илдизи ҳам кўпгина ички касалликларга даво эканлиги исботланган. Уни эрта баҳор ёки кеч кузда қовлаб олган маъқул. Дағал илдиэпо майд илдиэчалардан ажратилиб, шиллиқланмаслиги учун сувда ювилиб, офтобда обдон қуритилади. Икки стаканча қайнатилган ва совутилган сувга 4 қошиқ майдаланган илдиэ солиб, 8-10 соат мобайнида димлаб қўйиш керак. Шарбат доқада сиздирилиб, 3-4 маҳал истеъмол қилинса, кифоя. Ҳарна бўлганда ҳам, табиий дори маҳсулоти-да.

Чимдан Қарши томон қайтар эканман, йўл четларидаги катта майдонларда экилган гулхайризорларда гул териб юрган хотин-қизларга кўзим тушди. Бу йил бу худуд аҳлининг даромади мўмайгина бўлиши аниқ. Демак, олтинга тенг еримиз, сахий кўшимиз бор экан, рўзгоримиздан барака аримайди. Қалби Оллоҳда, қўли меҳнатда бўлган юртдошларимизнинг риэки бутун бўлсин, топганларига барака берсин!

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

САРҲИСОБ ВА “SAMBHRAM”ДАГИ УЧРАШУВ

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

**О'zLiDeP ЖИЗЗАХ
ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ
КЕНГАЙТИРИЛГАН
ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ
ЎТДИ. УНДА ПАРТИЯ
ВИЛОЯТ, ТУМАН
(ШАҲАР) КЕНГАШЛАРИ
ТОМОНИДАН ЖОРИЙ
ЙИЛНИНГ ТЎРТ ОЙИ
ДАВОМИДА АМАЛГА
ОШИРИЛГАН ИШЛАР
САРҲИСОБ ЭТИЛИБ,
КЕЛГУСИДАГИ ДОЛ-
ЗАРБ ВАЗИФАЛАР
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**



Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Сардорбек Ғиёсов қатнашди ва 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган йўналиш ва мақсадлар ижросини таъминлаш бўйича ҳудудий кенгашлар, айниқса, депутатлик гуруҳлари олдига турган долзарб вазифалар хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Бугунги шиддат билан ривожланаётган жараёнлар партия фаоллари, халқ ноиблари, қолаверса, ҳар бир маслақдошимиз учун ўзига хос масъулиятли палла эканлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди. Энг аввало, жамоатчилик назорати кучаяётган бир пайтда партиямиз томонидан кўтарилаётган ҳар бир масала моҳиятига инновацион ёндашиш зарур.

Тадбирда умумий натижага салбий таъсир кўрсатаётган айрим туман (шаҳар) кенгашлари фаолиятида йўл қўйилаётган сусткашлик сабаблари атрофлича кўриб чиқилди. Сиёсий ўқув, тарғибот тадбирларида партия нашри бўлган “XXI asr” газетаси билан ижодий ҳамкорликни янада кучайтириш ҳамда маслақдошларимиз ўртасида ушбу тарғибот воситасини янада оммалаштиришга жиддий эътибор қаратиш

кераклиги ўқитиб ўтилди.

Танқидий-таҳлил ва очиқ мулоқот руҳида ўтган йиғилиш давомида партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, вилоятда келгусида амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Иштирокчилар партиянинг “Янги авлод кадрлари” лойиҳаси доирасидаги тадбирда қатнашиш учун Жиззаҳдаги “Sambhram” университетига ҳам бўлишди.

– О'zLiDeP Жиззаҳ вилоят кенгаши “Ешлар қаноти” гуруҳи ташаббуси билан ташкил этилган учрашувнинг расмийликдан холи тарзда ўтказилгани кўпчиликка маъқул бўлди, – дейди парламент вакили Сардорбек Ғиёсов. – Партиямиз фаоллари, маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳамда университет ўқитувчи-профессорларининг талабалар билан мулоқоти савол-жавоблар шаклида кечди.

Ҳиндистонликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ва IT йўналишидаги мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган мазкур университет нодавлат хорижий олий таълим муассасаси ҳисобланиб, ўқитиш кундузги таълим шаклида, инглиз тилида тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Университетнинг 3 та бакалаврият таълим йўналиши ва 2 та магистратура мутахассислигида 1501 нафар талаба тахсил олмақда. Уларга барча шарт-шароитлар яратилган.

Партиядошларимизнинг айни шу университетда учрашув уюштиришга беҳиз эмас. Негаки, Тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш, рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистраль автомобиль йўлларини кенг полосали улашиш тармоқлари билан қамраб олиш, иқтисодиётнинг реал секторидан холи тарзда ўтказилгани операция жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш вазифалари қўйилган. Ушбу улғувор мақсад ва вазифаларнинг қанчалик сифатли амалга оширилиши эса соҳанинг етуқ мутахассисларига боғлиқ.

Мулоқот давомида, шунингдек, О'zLiDePнинг “Янги авлод кадрлари” лойиҳаси ҳақида атрофлича маълумот бериб ўтилди. Партия сафига кириш истагида бўлган талабалар рўйхати шакллантирилди.

О'zLiDeP Жиззаҳ вилоят кенгаши матбуот хизмати

ЮТУҚЛАР ЎЗ ЙЎЛИГА...

**О'zLiDeP АНДИЖОН
ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ
НАВБАТДАГИ КЕНГАЙТИ-
РИЛГАН ЙИҒИЛИШИДА
МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ
ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯ-
ТИ, МАСЛАҚДОШЛАР-
НИНГ СИЁСІЙ ЖАРАЁН-
ЛАРДАГИ ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ, ДАВЛАТ ВА
ЖАМИАТ АҲАМИЯТИГА
ОИД МУҲИМ ДАСТУРЛАР
ИЖРОСИНИ ТАЪМИН-
ЛАШ БЎЙИЧА АТРОФЛИ-
ЧА ФИКР-МУЛОҲАЗА
ЮРИТИЛДИ.**



Сиёсий таълим ва депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлимининг ҳудудлар бўйича тайёрлаган кузатувлари таҳлил этилганида қатор масалалар ўртага чиқди. Масалан, биригина Хонобод шаҳар кенгаши мисолида айтиладиган бўлсак, ўтган тўрт ой давомида 4 тагина депутатлик сўрови чиқарилган, депутатлик гуруҳида 3 та эшитув ўтказилган. Лекин ана шу эшитувлардан келиб чиқиб, маҳаллий кенгаш сессияларига бирорта масала киритилмагани

ачинарли. Хуллас, ушбу шаҳар кенгаши аъзоларининг бошқа турдаги ишлари ҳам ўртамайна даражада деб баҳоланди. Тарғибот ишлари ҳам кўнгилдагидек эмаслиги қайд этилди.

Шунингдек, бошқа бўлимлар ўтказган мониторинг натижалари ҳам кўриб чиқилди.

– Албатта партиявий фаолиятда эришилаётган айрим ютуқлар ўз йўлига, аммо яна бошқа туман ва шаҳар кенгашлари фаолияти ҳам таҳлил

этилганида бу борада аҳвол кутилганидек эмаслиги аён бўлмоқда, – деди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири Сардорбек Марипов. – Ҳозир давр ўзгарди, талаб ўзгарди. Ҳар бир партия аъзоси мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришларга бефарқ қараб турмаслиги керак. Албатта, партиянинг вилоят кенгаши бўлимлари томонидан тайёрланган бугунги танқидий-таҳлилий хулосалар барчамизни уйғоқликка, дадилликка чорлаши лозим.

Қизғин баҳс-мунозаралар руҳида кечган йиғилишда партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

**Ҳожимухаммад ҲАСАНХОНОВ,
О'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши аппарат раҳбари**



ди. 2019 йил эрта баҳорда Европандан гулхайри уруғини келтириб, томорқа эгаларига тарқатиб чиқишди. Дастлабки йилдаёқ томорқачиларнинг гулхайри етиштиришга бўлган қизиқиши ортди. Кейинги йили қизиқувчилар сони кескин кўпайди.

Ишонмасангиз, келиб кўринг. Бугунги кунда “Чим” МФЙ худудидаги қишлоқларда яшайдиган мингга яқин оила томорқасида гулхайри етиштириляпти. Томорқачилар билан Дўстмурод Чориев шуғулланади. 1 сотих жойга 4 грамм уруғ экилади. Бир грамм уруғнинг нархи 3,5 минг сўм тураркан. Гулхайри уруғи мартнинг бошларида қадалади. Майнинг ўрталарига келиб, гуллай бошлайди. Кўёш чиқиб турган пайтларда гуллари роса очилади. Кун бўйи гулини териб олиш мумкин. Яхши парваришлаб, озиклантириб, сугориб турсангиз, сентябрга қадар тинимсиз гуллайди. Бир сотих майдонга 250-300

Польша, Германия, Испания каби Европанинг ўнлаб давлатларига экспорт қиламиз, – дейди Дўстмурод Чориев. – 2019 йил илк бор Польшага 200 килограмм қуритилган гулхайри гулини экспорт қилганмиз. 2020 йил бу кўрсаткич 120 тоннага ташкил этди. Ўтган йили 49 тонна маҳсулот экспорт қилишга муваффақ бўлдик. Бу йил 60 тоннага етказишни мўлжаллаяпмиз. Гулхайрини бошқа давлатларда ҳам етиштиришаркан. Аммо улар бизнинг хомашёмизга кўпроқ қизиқиш билдиришяпти. Чунки табиий шароитда, очик майдонда кўёшнинг тафтини олиб гулласса, ҳосили ниҳоятда сифатли бўлар экан. Қаранг-да, шундай олтинга тенг ерларимиз, сахий кўёшимиз бор-у, қадрига етиб фойдаланишни билмаймиз. Буюқ табиб бобомиз Абу Али Ибн Сино гулхайрининг илдиэи, барги ва уруғидан тайёрланган дамлама билан йўтал, қон тупуриш, зотилжам ва буйрак касалликларини даволаган



ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА SMART OFFICE



Сизга Юлдуз исмли РЕСЕПШН-РОБОТ хизмат кўрсатади



ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА, ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР "АГРОБАНК" SMART ОФИСИДАН БОШЛАНАДИ. ҲА, АДАШМАДИНГИЗ. ЭНДИ БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ЎЗИГА ҚУЛАЙ ВАҚТДА "АГРОБАНК"НИНГ SMART OFFICE ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИ МУМКИН.

Smart Office банк ходимлари иштирокида 24/7 режимида фаолият юритади. Мазкур шохобчада барча турдаги банк операциялари автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Ақлли шохобчага картومات, автоматлаштирилган депозит машина (АДМ), video-teller машинаси (VТМ), банкомат, инфокиоска, ресепшн-робот ҳамда сенсорли экран (touchscreen) қурилмалари жойлаштирилган.

Офисга киришингиз билан сизни **Юлдуз исмли ресепшн-робот** кутиб олади. Саволларингизга жавоб беради. Банкда кўрсатилаётган барча хизмат турлари, ўтказилаётган акциялар ҳамда янгиликлардан хабардор этади. Қурилмалардан фойдаланиш тартиби тўғрисида батафсил тушунчалар беради. Мижозлар

ўз веб-саҳифаларига кириб, керакли маълумотларини (ушбу роботнинг экранда пайдо бўлади) олиш имконига эга. Робот VIP мижозларни танийди.

Картومات қурилмаси орқали банкка бормасдан НУМО ва Visa пластик карталарини очиш, яроқлик муддати ўтган ёки йўқолган, носоз бўлиб қолган пластик карталарни қайта тиклаш мумкин.

Автоматлаштирилган депозит машинаси (АДМ) юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркорларга банкка бормасдан онлайн тарзда ҳисоб-рақамга инкассация қилиш, нақд миллий валюта орқали барча турдаги пластик карталарни тўлдириш ва "Агробанк" томонидан расмийлаштирилган кредитга ҳисобланган фоизларни нақд миллий валютада тўлаш имконини беради.

Video-teller машинаси (VТМ) кўшимча экран ҳамда видеомаслаҳат ускуналари билан жиҳозланган, мазкур қурилма орқали мижозлар барча турдаги банк операцияларини амалга ошириши мумкин. Жумладан:

- нақд хорижий ва миллий валюта орқали банк пластик карталарини тўлдириш;

➢ хорижий пул ўтказмалар қабул қилиш ва ўтказиш;

➢ омонат расмийлаштириш, ҳисоб рақамларини очиш ва уни тўлдириш;

➢ жисмоний шахсларга кредит расмийлаштириш;

➢ my.agrobank.uz сайтида мавжуд барча хизмат турларидан фойдаланиш;

➢ Call Centre билан боғланиб, мижозларга муҳим тушунчаларни олиш хизматлари бажарилади.

Банкомат қурилмаси (6683 русумли) Uzcard тўлов тизимига уланган бўлиб:

✓ нақд миллий валюта олиш;

✓ пластик картани нақд миллий валютада тўлдириш;

✓ нақд хорижий валютани нақд миллий валютага айирбошлаш;

✓ нақд хорижий валюта орқали сўм пластик картани тўлдириш;

✓ сўм пластик карта орқали нақд хорижий валюта сотиб олиш мумкин.

Эътиборлиси, мазкур банкомат ёрдамида плас-

тик карта иштирокисиз, махсус код орқали нақд пул ечиб олиш имкони мавжуд. Бунинг учун смарт-фонингизга "Агробанк" мобил иловаси ўрнатилган бўлиши керак. Ушбу қурилма орқали телефон, интернет провайдер, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш мумкин. Бу хизматлар ҳозирча фақат "Агробанк"да мавжуд.

Банкомат қурилмаси (5800 русумли) НУМО тўлов тизимига уланган бўлиб, нақд миллий валюта олиш, пластик картани нақд миллий валютада тўлдириш мумкин.

Инфокиоск қурилмаси орқали мижозлар нақд миллий валютада ёки сўм пластик карта орқали коммунал тўловлар, пайнет амалиётларини бажаришда ҳамда кредит сўндириш хизматларидан фойдаланади.

Touchscreen (сенсорли экран) қурилмаси орқали интернет банкинг хизматида фойдаланиш имконияти яратилган.

Худди шундай Smart Office ҳар бир вилоят ҳамда туман марказида қурилиши режалаштирилган.

"Агробанк" АТБ матбуот хизмати

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқи асосида

Андижон йўллари равонми?

ҲА, РАВОН БЎЛМОҚДА, ДЕЙМИЗ ВИЛОЯТДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ САЛМОҒИНИ КЎРИБ. БИРГИНА ИЗБОСКАН ТУМАНИНИ ОЛИНГ. ТУМАНДАГИ ИЖТИМОЙ СОҶА ОБЪЕКТЛАРИ, ИНФРАТУЗИЛМАСИ, КОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.

Ўтган йили тумандаги қарийб 19 километр ички хўжалик йўлларига шағал тўшалди, тош-шағалли йўлларга асфальтобетон ётқизилди. Ушбу юмушларни бажаришда тажрибали йўлсоз Жаҳонгир Валиев раҳбарлигидаги **Избоскан туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг**



заҳматкаш ишчилари жонбозлик кўрсатди.

Бундан ташқари, "Обод қишлоқ" дастурига кўра, Урганжи ва Куйганёр маҳаллалари кўчаларининг 8 572 метр узунликдаги йўллари таъмирланиб,



асфальт ётқизилган.

Бир мuddат аввал Урганжи маҳалласидаги Ёшлик, Айланма, Маданият, Себзор кўчалари абгор ҳолатда эди. Дастур доирасида асфальтобетон ётқизилиб, кўчалар равон бўлди. Куйганёр маҳалла ахли ҳам йўлсозлардан мамнун. Боиси, Барака, Ҳосилот ва Оромижон кўчалари ҳам асфальтланди.

Шунингдек, тумандаги Тошкўча ва Миллий қадрият номли кўчаларда велосипед ҳамда пиёдаларга хавфсиз ҳаракатланиш учун 1800 метр узунликдаги йўлак барпо қилинган. Бу ерда лойиҳага асосан тунги ёриткичлар ўрнатилиб, йўл четлари кўкаламзорлаштирилди, ирригация тизими йўлга қўйилди. Мазкур инвестиция лойиҳасини 4 миллиард 600 миллион сўм эвазига вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмаси асосида тажрибали қурувчи Жамшид Мамасолиев бошчилигидаги "Бехрузбек Дилмуродов" МЧЖ жамоаси масъулият билан якунига етказди.

"Раҳмат сизга, йўлсозлар!" деб юборасиз беихтиёр

МУШТАРИЙЛАРИМИЗГА ЯХШИ МАЪЛУМКИ, ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ НАШРИМИЗДА МУНТАЗАМ ЁРИТИБ БОРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

Одатга кўра, бу галги сонимизда ҳам йўлсозларимизнинг шу кеча-кундузда, бораётган машаққатли, масъулиятли ишларига тўхталамиз.

Қибрай томонларга йўлингиз тушса, тумандаги таъмирталаб ички хўжалик ҳамда умумфойдаланишдаги йўллар таъмирланиб, режага асосан реконструкция қилинаётганига, янги йўллар барпо этилаётганига бевосита гувоҳ бўласиз. **Қибрай туман йўллардан фойдаланиш унитар корхо-**



Юнусали ОЧИЛДИЕВ, "XXI asr" мухбири

насининг заҳматкаш ишчилари ўз вазифаларини кўнгилдагидек даражада бажараётганини кўриб севинасиз. "Отангизга раҳмат, йўлсозлар!" дейсиз мамнулик билан. Ёмғирли кунларда сифатини йўқотган ва яроқлилиги ўтган умумфойдаланишдаги йўллар ҳам таъмирланаётганидан эса янада завққа тўласиз.

Дарвоқе, Зангиота туманига қарашли Фаровон маҳалласи ва Мустақиллик кўчасидаги қури-

лиш ишлари ҳам Қибрайдагидан кам эмаслигига гувоҳ бўлдик. Бу ҳудудларда жами 1800 метр узунликда пиёдалар учун "Саломатлик йўлаги" қурилиб фойдаланишга топширилган. Ушбу йўлакни давлат дастури асосида 3 миллиард 500 миллион сўм эвазига "Қувончбек қурилиш" МЧЖ жамоаси барпо этди. Лойиҳага кўра, тунги ёриткичлар, ирригация тизими, шунингдек, машғулот учун варкоут бунёд этилгани барчага манзур бўлмоқда.



Хизматлар лицензияланган.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Дунё ғаройиб, биз мана шу ғаройиб дунёнинг йўловчиларимиз. Ҳаётда ҳамма нарса бир лаҳзада кўз ўнгингда ёниб кетиши мумкин, бироқ қалбдаги эзгу ҳислар доимо сен билан бирга бўлади. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева (Ич-ичида йўлбарс ўкириб, Сиртдан майин жилмайган аёл) ана шу маънода ҳалиям тирик. Ижодкор ўзига олам-олам изтиробларни олиб келишини билса-да, “кўнгил фалсафасига сажда қилиш”дан бир зум ҳам тинмайди.

Минглаб одамлар орасидан икки одамнинг бир-бирини топиши, англаши ҳамда дардларини сўзсиз ҳис қилиши дунёдаги энг катта мўжиза! Муҳаббат бу руҳиятнинг ғалабаси. Ҳижрон алангалади, васл эса ўша алангани

муддао. Зиёлиларнинг муносабати ҳушёрликка чорлайди. Шаҳар бедарвоза эмаслигини ўқтиради. Дуч келган одам бу дарвозадан кириб, адабиёт оламининг фуқароси бўлавермаслигини таъкидлайди. Ҳақиқий



ДАЪВАТ

Кундуз юриб ёздим, тун туриб ёздим,
Ёзганда кўксимга тиг уриб ёздим.
Дардларимга сиёҳ қор қилмай қолгач,
Қаламни қонимга ботириб ёздим.
Қон асли ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўқ,
Асл мард Ватанга тиз чўқиб ўтар.
Қанча қонинг бўлса — Ватан учун тўқ,
Қанча шонинг бўлса — Ватанин кўтар!

бораётгандек. Кўнгил тўқлигидан, кўз очлиги устун келаётганга ўхшайди. Энг бой одам бориға қаноат қилган киши ҳисобланади.

турган чечак уни олқишлаган одамлар кўз ўнгидан сўла бошлайди. Бир куни ярим кечаси уйғониб, алаҳсираганча, эмаклар бўл-

Одамзотки, мақсадиға етиб қолса охири,
Унутилиб кетгусидир аччиқ кунлар тахири.

Дунёдаги энг даҳшатли, шафқатсиз, ҳазм қилиб бўлмайдиган ҳақиқат — ҳаёт кўнларни бостириб келган паллада, ҳар бир инсон фақат ўз жони ҳақида ўйлаши, “қандай қилиб бўлмасин, ўзимни асраб қолишим керак” деган ўйнинг аксарият ҳолларда устунлик қилишидир. Яъни ҳаётнинг бу асов тўқинларидан бошқа қайиқларни чўқтириб бўлса-да, ўз қайиғини омон олиб чиқиш истагининг кучайиши. Бундай синов лаҳзаларида бизнинг заифлигимиз янада билинади. Дунёни манфаат бошқаради, деган қарашнинг ҳали-ҳануз яшаб келаётгани ҳам бу ҳаётнинг кечириб бўлмас аччиқ доғидир. Шундай паллада нажот фақат Ҳақдан. Сунгра ўз ҳақиқатинга суйансан. Шундагина бир амаллаб тўфонлардан ўтиш мумкин. Таянч ўзининг ичингда бўлмаса бари бекор.

Саволларим жудаям кўп... Жавоблар-чи? Мен дунёни бошқача тасаввур қилганман. Туни билан ишлаб, ўзимни тўлалигимча мисраларимга тўқардим. Ва ўша вақтлар бошқача ўйлаб, олдиндаги ёруғликка тинмай интилардим. Лекин вақт ўта бориши билан ишончларинг ҳам дарз кетаркан. Бугунги жавобинг эртанги кунинг учун савол. Умрим давомида “Нега?”лар ҳаммиша ўз оғриқлари билан кўндаланг туради. Балки шуниси ҳам тузқандир... Ҳаёт ўз номи билан ҳам ҳаёт-да! Улғаяверган саринг Мавлоно Румийнинг ҳақлиғига ҳар лаҳзада иқдор бўларкансан:

Ҳар нечук маҳрумият — муяссарият,
Ҳар нечук муяссарият — маҳрумиятдир.

Иқбол ҚЎШШАЕВА
тайёрлади.
2005

ЕНГАСАН, ЮТҚИЗАСАН,
АДАШАСАН, АЛДАНАСАН...

сусайтириши мумкин. Муҳаббатда таъма бўлмайди. Ўзингни фидо қилибгина ўзгани топасан. Гоҳида юрагингда туйғулар сездирмасдан яшаб ўтадики, сен бу кечинмалар ҳаётинг, юрагинг эканлигини вақтидаёқ пайқаб ололмайсан...

Армоним йўқ, деган кун одам бу дунёни тарк этишига тўғри келади. Олам ўзининг мана шу ранглари билан янада гўзал ва мураккаб. Муҳаббат бу ўз вақтида тўлалиғича англаб бўлмайдиган катта жумбоқ. Агар бу туйғу бўлмаганида миллатнинг умри қадар буюк асарлар ҳам яратилмасди. Катта муҳаббатлар бор, яшайди, мен бунга ишонман.



Имант Зиедониснинг бир шеърда шундай фикр бор: “Мен қанот чиқариб, қушга айланганча кўқариб, учушим ёки қиличдай кесиб тик тушадиган шаршалар тағида туришим мумкин. Катта мўжизаларга ҳам қўл ураман. Фақат мени кимдир кузатаётганини ҳис қилсам, сезсам...”. Ижодкор фақат ўзи учунгина ёзмайди. Унга атрофдагиларнинг ҳайрати, фикри ҳам муҳим. Ижод бу кўтарилиш, ичдан юксалиш. Сендаги юксалишга бошқаларнинг бефарқ эмаслиги янада куч бағишлайди. Кўпчилик ўзининг ташвишлари билан овра бўлиб ётган бир паллада адабиётда баҳс-мунозараларнинг бўлиши айни

ижодкорнинг ҳар бир адабий чиқиши миллий маданиятимизга хизмат қилиши керак. Баъзида шеърятга, адабиётга нисбатан эътибор сўст, деган гаплар қулоққа чалинади. Уйлайманки, буларнинг бари ўткинчи ҳолат. Бундай қараш жамият тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Адабиётимизга кириб келаётган истеъдодларга ўз хайрихоҳлигимизни билдиришимиз даркор.

Мардикор аёлларнинг қисмати, турли видеотасмаларнинг кириб келиши оқибатида болаларимизнинг енгил ҳаётга тезда берилиб кетаётганидан кўнгил тарбияси ўз-ўзидан чекиниб борапти. Назаримда, ҳаётни олди-сотидан иборат деб ўйлайдиганларнинг сони кўпайиб

Толганим — болаларим, оилам, уларга бўлган меҳрим. Булар менинг энг катта бойлигим. Уларга бўлган меҳрим юрагимда яшар экан, мен уларни ҳеч қачон йўқотмайман. Ҳаёт денгизи оқиб турар экан, учрашиш бор жойда, албатта, айрилик бўлганидек, енгасан, ютқизасан, адашасан, алданасан... Буларнинг бари тўғри йўлни топиш учун қўйилган қадамлардир. Ҳа-лаба муҳим эмас, муҳими унганча бўлган жараёнлар ва ҳаракатлар. Ҳеч бир нарса беҳуда ҳам эмас, исзис ҳам кетмайди.

Бир балерина ҳақида фильм кўрган эдим... У шўҳрат пиллаполярларида гуриллаб кўтарилиб бораётганида тўсатдан сил касалига йўлиқади. Гуллаб

са-да, ўзи тақдирим деб билган театрига йўл олади. Бир амаллаб саҳнага чиқади-да, жон беради. Бу ўлим шунчаки ўлим эмас, шавкатли ва музаффар ўлим. Гарчи ўзи суйган ҳаётни эрта тарк этаётган бўлса-да, ўша лаҳзада бу ёруғ оламда ундан-да бахтиёрроқ кимса йўқ эди. Ҳақиқий санъат ярқираб бориш билан бирга, баъзида сендан каттароқ қурбонликларни ҳам талаб қилади. Роберт Рожественский ижодий жалаба мўҳим эмас, муҳими унганча бўлган жараёнлар ва ҳаракатлар. Ҳеч бир нарса беҳуда ҳам эмас, исзис ҳам кетмайди.

Бир балерина ҳақида фильм кўрган эдим... У шўҳрат пиллаполярларида гуриллаб кўтарилиб бораётганида тўсатдан сил касалига йўлиқади. Гуллаб

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.
Бунинг учун телефонингизга
“Play Market” ёки “App Store”дан
“XXI asr” иловасини юклаб олиб,
пул ўтказсангиз кифоя.



Газетанинг
электрон
обуна
нархлари:

12 ойлик —
96 минг сўм;
6 ойлик —
48 минг сўм.

O'zLiDeP
Бўка тумани
кенгаши раисининг
биринчи
ўринбосари—аппарат
раҳбари
Шавкат Хаитовга
укаси
Шўҳрат Хаитовнинг
вафот этгани
муносабати билан
ҳамдардлик
билдиради.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI —
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шўҳрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожддин САЙИДИ
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор
МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона —
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими —
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми — 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г — 551 Адади: 4331
Электрон обуна — 1338

Баҳоси келишилган нарҳда.
Топширилди — 19:40

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Неъматов,
Маъруфжон Раҳмонов
саҳифалади.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАБОРОВ